

Аллоҳ учун дўстлашиш қандай бўлади?

20:46 / 27.04.2016 3235

Аллоҳ учун дўстлашиш қандай бўлади? Унинг ўзига хос сабр қилиш шартлари борми?

Аллоҳ учун дўстлашиш Аллоҳни айтганида юриш, Аллоҳга муҳаббат қилиш, Аллоҳнинг қайтарганидан қайтариш учун бўлинадиган дўстлик бўлади. Бу ерда шахсий манфаатлар орага кирмайди. Балки дўстлик Аллоҳга бўлган имон асосида, Аллоҳ тақдим қилган таълимотлар асосида, Аллоҳ жорий қилган шариат асосида икки тараф яшашлари, бир-бирларини яхши кўришлари, имони учун яхши кўриш, ибодати учун яхши кўриш, тақвоси, одоби, ахлоқи учун дўстлашиш маъноларини билдиради. Албатта бу нарсалар ўзига яраша сабрни талаб қилади. Аллоҳ буюрган нарсаларни адо этишдаги сабрни талаб қилади. Бизда сабрни бир тарафлама тушуниш, бошига оғир бир ҳолат тушганда ўзини у ер бу ерга уриб жазава қилмаслик, дод вой қилмаслик маъносини тушунилади холос. Лекин, аслида сабр ижобий маъно бўлиб, яхшиликларга эришишдаги ҳаркатни тўхтатмай олиб боришда ҳам сабр керак бўлади. Ибодатларни вақтида шариатда кўрсатилганидек адо қилиш учун ҳам сабр керак бўлади. Жумладан, Аллоҳни йўлида дўстлашиш, Аллоҳ учун биродар бўлиш борасида ҳам ана шу биродарлик талаб қилган нарсаларга амал қилиш, қилмай қўйиш лозим бўлган нарсаларда четта бўлиш борасида ҳам сабр керак бўлади. Ана шу маънода демак, Аллоҳ учун дўстлашиш, биродар бўлиш ва бу ишда бардавом бўлиш сабр талаб қилиш бирга Аллоҳнинг розилиги, катта бир мукофотлар, ажр савоблар қозониш имкони ҳам бўлади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло барчаларимизни Ўзининг йўлида дўстлашишга, биродар бўлишга, имон, эътиқод, тақво, ибодат йўлида сабр қилишга муяссар этган бўлсин.